

## МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИНИ ОШИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

*PhD, Xakimov Zafar Ibragimovich*  
*Termiz Iqtisodiyot va servis universiteti*

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодий шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохатлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Шу боис мамлакатимиз иқтисодийнинг ривожланишида уларнинг ҳудудларини комплекс ва мутаносиб ривожлантиришни таъминлаш, минтақаларнинг мавжуд табиий хом ашё, ишлаб чиқариш ва меҳнат салоҳиятидан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, бундан ташқари, маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий бюджет даромадларини манбаини мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган тизимли чора-тадбирларни изчил давом эттириш ҳудудлар иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди<sup>1</sup>.

Маҳаллий бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш борасидаги муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида гап кетар экан, бу ўринда фақат Сурхондарё вилоятида эмас, балки бутун республикамиз бўйича амалиётида анчадан буён таркиб топган ва ҳамон ечимини томилмасдан келаётган яна бир муаммо ва унинг келиб чиқиш сабаблари хусусида алоҳида тухталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Гап бу ўринда, мамлакатимиз амалиётида қатъий таркиб топган ва фақат маҳаллий бюджет харажатларига нисбатан эмас, балки умуман олганда, давлат бюджети харажатларига нисбатан таркиб топган камомад, ўзлаштириш ва ноқонуний харажатлар тўғрисида кетмоқда. Бунинг айнан шундай эканлиги Сурхондарё вилояти маҳаллий бюджети мисолида амалга оширилган тадқиқотларимиз натижалари юқорида яна бир марта тасдиқланди. Шунинг учун буни бюджет, шу жумладан, маҳаллий бюджетлар харажатларининг самарали фойдаланишнинг таъминлашга тўсқинлик қилаётган муаммоларининг энг асосийларидан бири сифатида эътироф этиш ва унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Маҳаллий бюджетда қанча кўп даромад бўлса, долзарб бўлган ижтимоий масалаларни шунча тезкорлик билан ҳал қилиш мумкин, деди давлатимиз раҳбари. Қўшимча маблағлар, жумладан, “Бешта ташаббус”, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ичимлик суви”, “Ҳар бир оила тадбиркор” каби давлат

<sup>1</sup> Мейлиев О.Р. Солиқлар воситасида ҳудудлар иқтисодийини ривожлантириш: муаммо ва истикболлари “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. 2019 йил № 2. 1-б.

дастурларини жойларда тизимли амалга ошириш, халқнинг даромадини кўпайтириш ва ҳаётини яхшилаш учун зарур бўлади<sup>2</sup>.

Шунингдек, маҳаллий бюджетлар маҳаллий ҳокимиятларнинг иқтисодий имкониятидир. Маҳаллий бюджет даромадлари қанчалик кўп бўлса, шунчалик ушбу ҳудуд аҳолиси фаровонлиги юқори бўлади. Ҳудудлар иқтисодиётини солиқлар воситасида ривожлантириш мақсадида маҳаллий бюджетларнинг солиқ-бюджет ваколатларини ошириш орқали маҳаллий бюджет даромадларини ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

**Биринчидан,** маҳаллий ҳокимиятларнинг давлат бошқарувидаги, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий бошқаришдаги ролини ошириш, ҳозирги куннинг асосий масалаларидан биридир. Бунда республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар ўртасида даромадлар ва харажатларнинг оптимал қонуний чегарасини яратишга қаратилиши ва ҳудуд иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб амалга оширилиши лозим.

**Иккинчидан,** Хорижий давлатларда эгри солиқлар ҳиссасини ошириш эвазига маҳаллий бюджетлар молияланади, маҳаллий ҳудудларда ушбу солиқдан тушадиган тушум ҳажмига нисбатан фоизларда белгиланади. Маҳаллий ҳокимиятлар ташаббуси билан бириктирилган даромадлар улуши кўтарилса, албатта келгуси йили давлат солиқларидан ажратмалар фоизи камайтиради. Бу ҳолат маҳаллий ҳокимиятларнинг доимий равишда бириктирилган бюджет даромадларини 5-10 фоизга кўпайтириб боришдаги қизиқишини чеклаб қўяди ва сўндиради. Шунинг учун, умумдавлат солиқларидан ажратмалар фоизи ҳеч бўлмаганда уч йилга ўзгармас бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу орқали маҳаллий ҳокимиятларнинг ушбу солиқлардан тушадиган даромадларни кўпайтириб боришидаги манфаатдорлиги ошади.

**Учинчидан,** Давлат тадбиркорлиги сингари вилоят раҳбарларига бўш пул маблағларидан самарали фойдаланиш, маҳаллий ҳокимият даромадларини кўпайтириб бориш, маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Маҳаллий бюджетларнинг бўш пул маблағларини қисқа муддатларга банк муассасаларига фойда олиш мақсадида депозитларга жойлаштириш ва фоиз кўринишидаги даромадлар олиш. Бу бюджетга қўшимча маблағлар тушишини таъминлашга хизмат қилади.

**Тўртинчидан,** маҳаллий ҳокимиятларнинг бюджет муассасаларини маҳаллий бюджет маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқини кенгайтириш лозимдир. Бунда бюджет ижроси давомида фойдаланилмай қолинган маблағларини уларнинг ихтиёрида қолдириб, ишлатиш борасида эркинликни бериш лозим.

<sup>2</sup> <http://www.uzdaily.uz/uz/post/5670>

**Бешинчидан,** маҳаллий ҳокимиятларга ички ва ташқи бозорда зайёмлаштириш ҳуқуқини бериш лозим. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида “2021 йил учун солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар ҳукмига биринчи ўқишда ҳавола этилди. 2021 йилги солиқ сиёсатини такомиллаштириш, шунингдек маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш, мавжуд тизимли муаммоларни бартараф этиш, солиқ маъмурчилиги самарадорлигини янада ошириш ва бюджетга солиқларнинг тўлиқ тушишини таъминлашга қаратилгандир<sup>3</sup>.

Хусусан, қонун лойиҳаси билан Солиқ кодекси нормаларини тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлаш мақсадида, қатъий белгиланган миқдорда ўрнатилган акциз солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини ўрнатиш кўзда тутилган<sup>4</sup>. Шу билан бирга, ҚҚС (15%), фойда солиғи (15%, айрим тоифалар учун 20%), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (12%), юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи (2%), қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ер солиғи (0,95%), ижтимоий солиқ (хўжалик юритувчи субъектлар - 12% ва бюджет ташкилотлари - 25%), айланмадан олинадиган солиқ (базавий ставка 4%) ставкаларини сақлаб қолиш таклиф этилмоқда.

Ўзбекистондаги турли даражадаги маҳаллий бюджетлар даромад ва харажатлари таҳлилини кўриб чиқамиз.

### 1-жадвал

#### 2021 йил учун маҳаллий бюджетларнинг даромад ва харажатлари таҳлили<sup>5</sup> (млрд.сўм)

№	Ҳудуд номи	Даромадлар	Харажатлар
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	2352,2	3228,8
2.	Андижон вилояти	1935,4	2375,4
3.	Бухоро вилояти	1212,9	1702,9
4.	Жиззах вилояти	2570,3	4147,6
5.	Қашқадарё вилояти	1535,8	1535,8
6.	Навоий вилояти	1970,6	3254,5
7.	Наманган вилояти	2657,0	3759,7

<sup>3</sup> [https://parliament.gov.uz/uz/events/chamber/32947/?sphrase\\_id=7745553](https://parliament.gov.uz/uz/events/chamber/32947/?sphrase_id=7745553)

<sup>4</sup> <http://elibrary.ru/item.asp?id=23215211>

<sup>5</sup> Маълумотлар асосида тадқиқотчи томонидан тайёрланди.

8.	Самарқанд вилояти	1754,7	3048,3
9.	Сурхондарё вилояти	745,7	1279,9
10.	Сирдарё вилояти	3009,8	3009,8
11.	Тошкент вилояти	2904,9	3815,0
12.	Фарғона вилояти	1442,7	2075,6
13.	Хоразм вилояти	1442,7	2075,6
14.	Тошкент шаҳри	4068,6	4068,6
	<b>Жами</b>	<b>29774,7</b>	<b>40217,6</b>

1-жадвалдан кўришиб турибдики, 2021 йил жами даромадлар 29774,7 млрд.сўмни ташкил этган. Шу ўринда харажатлар эса 40217,6 млрд.сўмни ташкил этганлигини кўриш мумкин. Юқори кўрсаткичларда Тошкент шаҳрининг даромад кўрсаткичи 4 068,6 млрд.сўмни ташкил этмоқда.

Маҳаллий бюджет даромадларини ошириш мақсадида ҳудудларда молия солиқ орган ваколатлари кенгайтириш билан бирга қўйидагилар амалга оширилмоқда:

1. Маҳаллий бюджетлар даромадлар қисмини шакллантириш масалалари бўйича молия бўлими раҳбарининг ўринбосари ҳар ойда ишлаб чиқариш динамикаси ва тенденцияларига, ҳажмларининг ўзгаришига, янги ишлаб чиқариш қувватлари очилишига ва солиқ тўловчиларнинг сонини танқидий баҳолашга асосланган баҳолаш кўрсаткичлари тизимидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва мажбурий ажратмалар тушумлари прогнозининг ҳисоб-китобини амалга оширади;

2. Маҳаллий бюджетнинг прогноз параметрларини ишлаб чиқишда молия бўлимлари аниқланган қўшимча тушумлар манбаини, шу жумладан аниқланган тадбиркорлик субъектларини, шунингдек туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг маълумотлар базасида ҳисобга олинмаган солиқ солиш объектларини ҳам ҳисобга олади;

3. Молия бўлими раҳбари ҳар чоракда ойма ой тақсимланган маҳаллий бюджет параметрлари прогнозини тасдиқлаштириш учун туманлар ҳокимларига киритади, кейинчалик туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларига ижро этиш учун етказилади;

4. Туманлар молия органлари ва давлат солиқ хизмати органларининг ўзаро ҳамкорлиги ўзаро ҳамкорлик йўналишлари, масъул ходимлар ва ойма ой тақсимланган маҳаллий бюджет даромадлари параметрларининг прогнози илова қилинган ўзаро ҳамкорлик натижалари бўйича тайёрланадиган ҳужжатлар шакллари белгиланган туман (шаҳар) молия бўлими ва давлат солиқ инспекциясининг қўшма буйруғи асосида ташкил этилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ЎРҚ-589-сон қонуни.
2. Ўзбекистон Республикаси 2020 йил 30 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» ЎРҚ-599-сон Қонунни. «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ЎРҚ-618-сон Қонуни. 07.01.2020 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5075-сонли Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. №6 (766)-сон.
5. Алимардонов М., Тухсанов Қ. Солиқлар назарияси. – Т.: «Адабиёт», 2005. – 209 б.
6. Атаниязов Ж.Х., Алимардонов Э.Д. Халқаро молия муносабатлари. /Дарслик. – Т.: «Iqtisod-moliya», 2014. – 556 б.
7. Жўраев А. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг самарали йўллари. – Т.: «Фан», 2004. – 242 б.
8. Соатова Н. маҳаллий бюджетлар солиқли даромад базаларини мустаҳкамлаш йўллари И.ф.н. илм. дар. ол. уч. ёз. дисс. автор. – Т., 2020. – 25 б.